# САҲНАДА – ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР

**Мамлакатимизда ёшлар истеъдодини юзага чиқариш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Ўзбекистон Давлат консерваториясида Ўсмирлар симфоник оркестрининг илк хайрия концертига йиғилган мусиқа ихлосмандлари бунга яна бир бор амин бўлдилар.**

Ушбу мусиқий тадбирнинг ўзига хослиги шундаки, катта саҳнада илк бор 8-10 ёшли истеъдод соҳиблари симфоник оркестрга дирижёрлик қилди. Мусиқий жамоа таркиби ҳам асосан ёшлардан иборат.

Оркестр тўқсонинчи йиллар ўрталарида В.Успенский номидаги республика махсус мусиқа академик лицейида ташкил этилган. Эътиборга молик жиҳати, жамоа таркибидаги ёш мусиқачилар нафақат республика, балки халқаро миқёсдаги кўрик-танлов ва фестивалларда ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда.

Концертда ўзбек ва жаҳон бастакорларининг асарлари ижро этилди.

**ЎзА.**

# УЛАР ТЕАТРИМИЗ КЕЛАЖАГИ

**Адабиёт ва санъат, матбуот ва телевидение, театр ва кино деган зиё масканлари борки, инсонни эзгуликка, меҳр-мурувватга, ёруғ келажакка мудом чорлайверади. Уларга сирдош-ошно бўлиш эса, жамиятимизни маънан бойитади.**



Шу боис турфа асарлар яратилади ва халқ ҳукмига ҳавола қилинади. Оқибат ранг-баранг баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб, янгича фикрлар дунёга келади. У яратувчига ҳам, истеъмолчи юрагига ҳам маълум даражада зиё бағишлайди. Ўша сонияларда туғилган фикрлардан оламшумул ғоялар яратилган. Эл дарди, армони, орзуси жам бўлган ғояга эса, зиёга интилган халқ ҳамиша эргашган.

Театр ҳам эзгулик учун ишлайдиган маскан. Инсон тақдири театрнинг мезони ҳисобланган ва ҳамиша шундай бўлиб келган. Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали драма театри қарийб 70 йиллик фаолиятида кўп ва хўп ана шундай тақдирлар мисолида инсонларга эзгулик деган ноёб хислатни улашиб келяпти.

Театрга янгича қараш, янги ғоя, янги фикр билан кириб келган ёшларга беихтиёр назар ташлар эканман, театр ҳаёт, театр яшайди, яшаганда ҳам гуллаб, замон руҳи билан яшайди, дегим келади. Фикру зикри санъат олами билан банд, юрагида эзгулик жўш уриб турган бу ёшлар театрга ўзгача ҳаво билан кириб келишди. Инобат Умирова, Иқбол Ошиқов, Олтинбек Сафаралиев, Азизхон Латипов театрга бирга келишди. Бир курсда таҳсил олган бу навқиронлар зум ўтмай театр репертуарларидаги асарларда банд бўлишди. Мусиқий диапазонли актёр сифатида режиссёрларнинг эътиборларини тортишди. Янги саҳна асарларига жалб қилиндилар. Тезда театр дарғалари назарига тушишди. Ўз жозибасига эга бўлган бу хонанда-актёрлар, театрнинг асосий бўғинларига айланишди. Аксарият спектакллар уларнинг иштирокида саҳна юзини кўрди. Инобатнинг ўзбекона ички, ҳиссиётга бой актёрлик диапазонининг ҳали тахи бузилмаган бўлсада, мунгли, дардли овози аллақачон касбдошларини лол қолдирган. Иқбол эса аллақачон ўзининг «мен»ини айта олди. Олтинбекнинг юқори диапазонли қўнғироқ овози ижро этган рангба-ранг ролларида жаранглаяпти. Азизхоннинг самимий кўриниши, дардли овози, анчагина саҳна асарларида ялт этиб кўзга ташланди.

Ёшлар ҳақида гап борганда, Ҳабибулла Ортиқов ҳақида сўз юритгим келади. Ҳабибулла театрга ўзгача меҳр, ўзгача ҳавас билан кириб келди. Унинг қадди-қомати келишган, овози жарангдор, мусиқани яхши тушунади. Театр коллективи унга ишониб бош ролларни топшираяпти. Ўзим режиссёрлик қилган «Осмоннинг бағри кенг», «Не бўлди менга», «Девона» каби спектаклларда бош ролларни ўйнади.

Биз Ҳабибулланинг отаси Ҳамидулла ака билан жуда қадрдонмиз. Муқимий номидаги мусиқали театрда ишлаганлар. Лекин тақдири азалдан қочиб бўлмас экан, ҳозир Ўзбекистон теле-радиоқўмитасида ишлайдилар. У киши билан бақамти келганда Ҳабибулла, унинг муваффақиятлари ҳақида суҳбатлашамиз. Ҳабибулла Ортиқов ижодини кузатар эканман, отанинг орзуларини ҳам ўзиникига қўшиб амалга ошираяпти, омадини берсин дегим келади.

Назаримда бундай ёшлардан умид қилса бўлади, улардан нафақат театр жамоаси, ҳатто, томошабинлар ҳам умидвор эканлигини дил-дилдан ҳис қиламан. Ёшларимиз эсда қоларли образлари билан театр санъати мухлислари кўнгилларини забт этишига ишонгим келади.

**Боир ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.**

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ●

Спортимиз ёш юлдузлари

## Саидлазиз Бурхонов:

# СЕВГАН КУЙИМ – ЎЗБЕКИСТОН МАДҲИЯСИ



**Хонободда яна хушхабар тарқалди: «Саидлазиз Германиядан олтин медал билан қайтибди».**

**Аслида бу хонободликлар учун янгилик эмас. Чунки, саккиз ёшида яъни 1994 йили каратэ-до тўгарагига илк бор қадам қўйган Саидлазиз 1998 йилдан буён шарқона курашнинг шуҳрат шоҳсупасига кўтарилишни бошлаб, аввало, устозлари, клубдошлари, қолаверса, ота-оналари ва ҳамқишлоқларини хушнуд қилиб келмоқда. Узоқ-яқин юртларда ўтказиладиган халқаро мусобақаларда қатнаша бошлабдики, ҳар доим ёруғ юз билан қайтади. Асосан олтин, баъзан кумуш, кўпинча эса қўша-қўша медалларни кўксига тақиб келади. Зеро, у каратэнинг якка кумите, якка ката ва жамоа кумите турларида бирдек маҳорат билан кураша олади.**

**Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, Саидлазизнинг 1998 йилдан буён халқаро мусобақаларда иштирок этиб қўлга киритган ютуқларини кўздан кечирган катта ёшдаги каратэчиларнинг ҳам ҳавас қилишлари шубҳасиз. Сўзимиз қуруқ бўлмаслиги учун улардан айримларини келтирамиз.**

**1998 йил апрель, Украина. МДҲ чемпиони.**

**1998 йил май, Қозоғистон. Туркистоннинг 1500 йиллигига бағишланган халқаро мусобақа ғолиби.**

**1998 йил июль. Осиё кубоги соҳиби.**

**2001 йил, Малайзия. Асака кубоги совриндори.**

**2004 йил ноябрь, Чехия. Очиқ чемпионат ғолиби.**

**Мамлакат ички мусобақаларига келсак, қўлга киритган медалларининг саноғи йўқ. Шуни айтиш кифояки, у уч марта Ўзбекистон чемпиони, олти марта Ўзбекистон кубоклари соҳиби бўлган...**

Эндигина ўн тўққиз баҳорни қаршилаган бўлишига қарамай, республика терма жамоа аъзоси, спорт устаси унвонини қўлга киритган Саидлазиз билан суҳбатимиз олдидан ундан ҳаяжонли ҳикоялар кутгандик. Лекин, у ёшига нисбатан жуда босиқ, камтар, ҳатто, камгап бўлиб чиқди. Ўзи ҳақида, айниқса, ўтказган жанглари тафсилотлари ҳақида гапиришни мутлақо ёқтирмас экан. Қисқа, лўнда гап-сўзларидан билдикки, шу йил 15-17 апрель кунлари Германиянинг Бохум шаҳрида ўтказилган жаҳон кубоги мусобақалари Саидлазиз учун навбатдаги чинакам синов бўлибди.

Гап шундаки, у биринчи беллашувда франциялик каратэчи билан гиламга чиқди. Бу нотаниш рақиб кутилмаганда тезкор ҳаракатлар қилиб, очколар бўйича тезда олдинга ўтиб кетди. Каратэ-до мусобақасига эса 3 дақиқагина вақт берилади. Совринли ўринлардан бошқасини тан олмасликка одатланган Саидлазиз эса, қолган вақтда чиройли ва самарали усуллар қўллаб, 7:6 ҳисобида оғир, аммо, ҳал қилувчи ғалабани қўлга киритди.

Ҳал қилувчи дейишимизнинг боиси шуки, биринчи жангдан сергак тортиб, кейинги 6 та жангни, жумладан, финал беллашувини ҳам кўтаринки руҳда ўтказиб, ҳар доимгидек мақсадига эришди, шахсий медаллари шодасига жаҳон кубогининг олтин медалини ҳам қўшиб қўйди. Ҳолбуки, ушбу нуфузли мусобақада Англия, Германия, Монголия, Россия, Малайзия, АҚШ, Франция каби 15 дан зиёд мамлакатдан 300 га яқин энг сара каратэчи иштирок этган эди. Ўзбекистон терма жамоаси жами 27 та медал билан совринли учинчи ўринни қўлга киритди. Бунда Фахриддин Баташев, Даврон Тошпўлатов каби моҳир каратэчилар қатори Саидлазиз Бурхоновнинг ҳиссаси ҳам салмоқли бўлди.

— Биласизми, гиламга чиқиб, рақиб билан бел олишиш ўз йўлига, — дейди Саидлазиз ўйчан кулимсираб. — Мен учун ғолиблик шоҳсупасининг энг юқори поғонасида туриб, она-Ватан мадҳиясини тинглаш жуда ёқимли. Бундай дақиқаларда мен худди она алласини тинглаётгандек бўламан, маҳаллам, уйим, ота-онам кўз олдимга келади ва албатта, ўзимниг ёш болалик пайтларимни эслайман.

Юқорида айтганимиздек, биз Саидлазиз билан суҳбатлашиб, унинг ўзидан кўра «Азамат-Карим» спорт клубидаги қулай шарт-шароит ва имкониятлар, клубдошларининг иштиёқ билан шуғулланаётганлари, айниқса, устози, каратэ бўйича бешинчи дан қора белбоғ соҳиби Хўжамқул Хўжақуловнинг довруғли фаолияти ҳақида кўпроқ маълумотларни билиб олдик. Саидлазизнинг нафақат ёшлар тарбияси, умуман, катталар аҳлоқига ҳам спортнинг нақадар кучли ижобий таъсир кўрсатиши ҳақидаги маъноли фикр-мулоҳазалари бизни, айниқса, ҳайратга солди.

— Болаларимни ёшлигидаёқ спорт клубига етаклаб бориб, янглишмаган эканман, — дейди Саидлазизнинг отаси Саидқосим Бурхонов. — Катта ўғлим Саидазиз ҳам каратэ спорти устаси, Ўзбекистоннинг бир неча карра чемпиони, кўплаб халқаро турнир, қитъа биринчиликларининг совриндори. Низомий номидаги давлат педагогика университетида ўқияпти. Саидлазиз эса республика жисмоний тарбия институтининг якка кураш спорт турлари факультетининг иккинчи босқич талабаси. Айтмоқчиманки, болаларимни спортнинг ўзи тарбиялади, мен ота сифатидаги ташвишлардан ҳоли бўлдим. Юртбошимизнинг мамлакатда оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантиришга ғамхўрлик қилиб, кенг имкониятлар яратиб бераётганлари бежиз эмас. Бу келажаги буюк юртимизнинг пойдевори мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

● Шундан кейин

### ЭНГ МАЪҚУЛ РЕКЛАМА

Шу йилнинг март ойида ROMIR Monitoring тадқиқот холдинги ўтказган умумроссия сўрови маълумотларига мувофиқ россияликларнинг 95 фоизи рекламани бирор бошқа оммавий ахборот воситасида эмас, айнан телевизорда кўрар экан. Ундан кейинги ўринда интернетдаги реклама туради. Уни сўралганларнинг саккиз фоизи кузатиб бориши маълум бўлди.

### СУНЪИЙ ПОРТЛАТГИЧ

АҚШдаги Калифорния университети олимлари Сан-Диегода ўзларининг сўнгги кашфиётлари — портловчи имитаторни намойиш этишди. Тақдимот мобайнида муаллифлар янги асбоб ҳақида ҳикоя қилибгина қолмай, унинг қандай ишлашини кўрсатиб ҳам бердилар. Журналистлар кўз ўнгида қурилма темирбетон устунни вайрон қилди.

### СУРАТЛИ ҲАҚОРАТ

Италия суди янги Рим папаси — Бенедикт XVI ни нацистлар униформасида тасвирлаган сохта фотосурат жойлаштирилган интернет-сайтни ёпиш ҳақида ҳукм чиқарди. Мазкур ҳукмнинг эълон қилинишига диний ташкилотлар шаънига ҳақоратомуз хуружларни тақиқловчи қонун асос қилиб олинган.

### ТАҲЛИКА БОИСИ

Бактериал менингит хуружи Ҳиндистон пойтахтини таҳликага солиб қўйди. Минглаб одамлар касалхоналарга келиб, ўзлари ва фарзандларини хасталикка қарши эмлашни талаб қилмоқдалар. Касаллик туфайли 9 киши ҳалок бўлди, 42 киши даволашга ётқизилди. Ҳукумат эпидемиологик вазият назорат остида эканлигини таъкидламоқда.

### ЎЗЛАШТИРИЛГАН МАДҲИЯ

Исроилнинг таниқли композитори Наоми Шемер мамлакатнинг норасмий мадҳияси ҳисобланмиш «Олтин Иерусалим» ни яратаётганда ўзгалар куйидан фойдаланганлигини тан олди. Ўлимидан бир неча кун аввал бу аёл 1967 йилда кўҳна басклар алласини эшитиб қолгани ва ивритда матн битиб, куйни ўзиники деб эълон қилганини эътироф этди.

**Тошкент давлат шарқшунослик институтида (ТошДШИ) Конфуций номидаги Ўзбекистон-Хитой институтининг очилиш маросими бўлди.**

# ТОШКЕНТДА КОНФУЦИЙ ИНСТИТУТИ ОЧИЛДИ

2004 йилнинг июнида Тошкентда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Раиси Ху Цзиньтаонинг учрашуви чоғида мазкур институтни ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилган эди.

Мазкур ўқув муассасаси мамлакатимизда хитойшунос мутахассислар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Унинг тингловчилари хитой тили, маданияти ва адабиёти билан янада кенгроқ танишиш имкониятига эга бўладилар.

Таъкидламоқ жоизки, ТошДШИда 1977 йилдан буён хитой тили, адабиёти ва тарихи ўқитиб келинмоқда. Бугун ҳам институтда юздан зиёд талаба шу йўналишда таҳсил олаётир. Бу ерда ХХРдан келган ўқитувчилар хитой филологияси асосларидан сабоқ беряпти. Ҳар йили ТошДШИнинг бир неча талабаси Хитой олий ўқув юртларида малака ошириб қайтади.

Хитойда ҳам ўзбек тилини ўрганишга қизиқиш катта. Жорий йилда Пекиндаги Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлимини ташкил этиш режалаштирилган.

Янги институт икки мамлакат ўртасида таълим ва маданият соҳаларидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиши алоҳида таъкидланди.

**Акмал НАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ФАХРИЙ-РАССОМЛАР АСАРЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

**Ўзбекистон Бадиий академиясининг Халқаро маданият карвонсаройида фахрий-рассомлар кўргазмаси очилди. У 9 май – Хотира ва Қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 60 йиллигига бағишланди.**

Кўргазмада асосан фахрийларнинг асарлари намойиш этилмоқда. Санъатшуносларнинг фикрича, катта авлод рассомлари – тасвирий санъатнинг турли жанрларида ишлаётган ижодий гуруҳдир. Кўргазмадан ўрин олган асарлар орасида хилма-хил жанрлардаги расмлар – манзаралар, портретлар, жанр композициялари, натюрмортлар бор.

**Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

**Германиянинг Висбаден шаҳрида жойлашган Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси (IFFHS) дунёдаги энг кучли 350 футбол клубининг жорий йилнинг 1 майгача бўлган рейтинг жадвалини эълон қилди.**

# «ПАХТАКОР» ЯНА КУЧЛИ ЮЗЛИКДА!



Халқаро федерация мутахассислари рейтинг очколарини ҳисоблашда жамоаларнинг сўнгги 12 ой давомида миллий чемпионат, мамлакат кубоги, қитъа доирасидаги ва қитъалараро мусобақалардаги кўрсаткичларини инобатга олади.

IFFHS эълон қилган янги рўйхатнинг биринчи поғонасини Англиянинг «Манчестер Юнайтед» жамоаси эгаллаб турибди. Шунингдек, «Милан» (Италия) ва «Бока Хуниорс» (Аргентина) жамоалари ҳам кучли учликдан жой олган.

Беш карра Ўзбекистон чемпиони – Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг иккита учрашувида имкониятни бой бергач, ўтган рейтингда 114-ўринга тушиб қолган эди. Лекин мазкур нуфузли мусобақанинг иккинчи давра беллашувларини ғалаба билан бошлаган ва миллий чемпионатда ишончли ўйин кўрсатаётган «Пахтакор» яна юқорилади. Халқаро футбол тарихи ва статистикаси федерацияси мутахассислари пойтахтимизнинг бош жамоасини бу гал 96-поғонага лойиқ кўрган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ИШБИЛАРМОН ОЙПОПУК

**(Ҳажвия)**



Тавба, ҳаёт қозонида қайнаган одам бир ҳафта ичида ўзгариб қолар экан. Яқиндагина мушукни «сизлаб» гапирадиган, ипакдай мулойим турмуш ўртоғим (ўртоқ эмиш) Ойпопук тўсатдан бўёқчининг хумига тушиб чиққандай, айниб қолди. Арзимаган нарсани баҳона қилиб, чўмични қозонга уради, косани товоққа. «Ҳали совунимга кир ювмабсан» деб хаёлий душманлари билан уришади. Буни қанақа жин чалди, ҳайрон бўламан, бирор парихонга ўқитиб олсаммикан, деб хаёл сураман.

Мана, ўша мажнунлиги яна бошланди. Жанжалниса уй эшигини тепиб очиб чиқиб кетаётган эди, юрак ҳовучлаб ҳазиллашдим:

— Ойпопук, эшигимиз очганда ўзи ёпиладиган метронинг эшиги эмаску, уни ким ёпади?

— Менинг эшигимни ел очиб, ел ёпади, — қошини кериб, бош силкиди Ойпопук.

— Ҳали у даражага етмадик-ку, бегойим, — деб кулдим.

— Уйда ялпайиб ўтириб, нимани билардингиз, «Ойпопук» хусусий дўкони»ни очяпман!

— Қойил, — дедим масхаралаб, — керилганингизча бор экан, табриклайман!

— «Дамас»да катайса қиладиган кун яқин, шоферликка ўқинг, ўтирасиз хотинчангиз оберган машинада талтайиб!

— Таниш-билишлар хотини олиб берган машинада юрибди, деб гап-сўз қилмайдими?

— Сиззи ўзимга шахсий шопир қилволаман, права обераман.

— «Права» обериб, правамни олиб қўяр экансиз-да, бегойим? — сўрадим хавотирланиб.

— Эр-хотин қўш ҳўкиз дейдилар, аравани бирга тортамиз. Вой, ўлай, иш вақтида валақлашиб ўтирибман, мен кетдим.

— Машинага қизиқиб, сўрамабман, узр, жоним. Бозордаги жойингизни кимга ташлаб келдингиз?

— Шеригим қараб туради. Хотамқул тоғам дўкон очишга пулдан қарашиб турмоқчи, хайр, болалар овқатсиз қолмасин, мен кетдим.

Хотинга оқ йўл тилаб қолдим:

— Ишингиз бароридан келсин, яхши боринг.

Хотинчани жўнатиб, кечки овқатга уннадим. Тўнғич ўғлим мактабдан келиб, папкасини диванга отди:

— Дада, ойим машинада шамолдай ўтиб кетди.

Бу қанақаси, ухлаб ётганимизда бозорга жўнаб қолади, турганимизда яна ғойиб бўлади, болаларини кўргиси келмайдими. Барно қизингиз ойимни соғиндим, деб йиғлаяпти-ку.

— Зарари йўқ, ойинг командировкага кетган, деб алдаймиз. Ойингни айблама ўғлим, оилани тебратяпти, менинг топганим нима бўларди.

— Сиз уй қизи бўлиб қолдингиз, биз она дийдорига зормиз...

— Телефон жиринглаяпти, тек тур, ўзим оламан, алло, алло?

— Хўжайин, сизмисиз, болаларга овқат бердингизми? — сўради Ойпопук.

— Холодес қилаяпман, — дедим.

— Нима, молодес?

— Молодесмас, холодес, лиқилдоқ қилаяпман, тайёр бўлиб қолди, ўзингиз тамадди қилдингизми?

— Напарнигим билан бедана кабоб едик.

— Унақа деманг, уят бўлади, гумма денг!

— Отини нима кераги бор, қорин тўйса бўлди-да. Хой, тўхтаб туринг, дадаси, клиент келиб қолди. Келинг, укажон, нима берай?.. Хой Қоравой, торт шалдироқ аравангни молимни босди.

Вой, сержант укам, келяпти. Нега кўринмайсиз, Жумавойжон, бизларни соғинтириб қўйдингиз-ку, импортний сигаретадан чекиб кетинг. Қайнсинглим ойнага қараб, сочини тараб ўтирибди, қачон совчи юборасиз?

— Ақча йўқ, синглингизни аршин маршинга ўхшаб урлакетам-нетаман, — деди Жумавой ҳазиллашиб.

— Сиздай жонон йигитга қайнсинглимни текинга бераман, келаверинг.

— Ойпопук, сотовийни ўчиринг, икки мингни уриб қўйди! — алам билан бақирдим.

— Пулини мен тўлайман, сиз жим ўтиринг, бедана, — ўшқирди Ойпопук.

— Хўп бўлади, чўқиб, тоз қиладиган уришқоқ бедана, уйга қачон қайтасиз?

— Гап дастурхонини йиғиштираяпман, ҳозир бораман, — деди Ойпопук, — ваннага сув тўлдириб қўйинг!

Орадан бир неча вақт ўтди, шу пайт қўнғироқ жиринглади, шоша-пиша эшикни очдим. Остонада Ойпопук намоён бўлди:

— Қадамларига ҳасанот, бозоргони, кирсинлар!

Ўғлим онасидан ўпкалади:

— Ойи, бегоналашиб кетдик-ку, ўқитувчим ойинг сира ота-оналар мажлисига қатнашмайди, қаёкда ишлайди ўзи, деб сўради. Мен нозик жойда, деб жавоб бердим.

— Ойим бозорда туғилган демабсан-да, ўғлим, — кулдим мен.

— Мен бозорда туғилган бўлсам, даданг кўчада туғилган. Отанг бозор, онанг бозор деган гап бекорга айтилмаган. Бўлди, бозордаги шовқин етар, овқатланиб, вақтлироқ ётайлик, йўқса Холбу ўлгур жойимни эгаллаб қўяди, ухланглар.

Кечаси туш кўрибман, «Пахтакор»да копток тепиб юрган эмишман, ўйин авжи қизиган пайтда рақиб дарвозасига тўп ураман деб, дарвозабонга калла ташлабман, у ярамас уриш мана бунақа бўлади деб, белимга боплаб тепибди, чўчиб уйғонсам тушим. Билсам Ойпопук уйқусида мени тепиб, каравотдан ағдариб юборган экан.

— Белим синди, золим хотиннинг дастидан дод! — деб вой-войлаган эдим, ишбилармон хотиним узр сўради:

— Арслоним, полвоним, тушимда бозорчи хотинлар билан жой талашиб, уришибман, жаҳл билан сизни кароватдан йиқитиб юборибман, мени кечиринг...

— Бозор, бозор деб, мени мозорга тиқмоқчимисан, ноинсоф!

— Буни касб касаллиги дейдилар, дадаси, туринг, жойингизга ётиб, «бай-бай» қилинг.

— «Бай-бай» эмиш-а, қандай ухлайман, ўзим вой-войлаб ётибман-ку!

**Абдулла ИСОМИДДИН.**

● Шифокор маслаҳати

# БЕБАҲО НЕЪМАТ

**Бола учун она сути бебаҳо озуқадир. Шунинг учун ҳар бир аёл она сутининг бола учун ҳам, она учун ҳам ниҳоятда зарурлигини билмоғи лозим. Болани она сути билан эмизиш онанинг соғлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади ва аёлларда учрайдиган сут безию ва тухумдон ўсимталаридан сақлайди. Она сути боланинг оқсил, ёғ, углевод, витамин, минерал моддаларга ва сувга бўлган талабини қондиради.**



Бундан ташқари, она сутини эмиб, катта бўлган фарзанднинг иммунитети кучли бўлади. Яъни, сут таркибида микроб ва вирусларга қарши курашадиган моддалар бўлиб, улар чақалоқни турли юқумли касалликлардан асрайди. Она сути ошқозон-ичак деворларини мустаҳкамлайди. Бола учун жуда зарур бўлган кальций моддасининг сўрилишига ёрдам беради ҳамда рахит касаллигининг олдини олади.

Она ўз боласини икки ёшгача эмизиши керак. Гўдак 6 ойлик бўлгунга қадар фақат кўкрак сути билан эмизилади.

Авваламбор, эмизикли она овқати таркибида сут, қатиқ, гўшт маҳсулотлари, сабзавот ва хўл мевалар етарли бўлиши зарур, шундагина кўкрак сути миқдор ва сифат жиҳатидан яхши бўлади.

Болани она сутига тўйдириш бўйича қуйидагиларга амал қилиш зарур.

Болани қанча хоҳласа шунча марта эмизинг. Лекин кундузи 8 маротаба, кечаси эса 4 маротабадан камайтирманг. У қанчалик тез-тез ва узоқроқ эмса, онанинг сути шунча ортади. Иккинчи кўкракни тутмасдан олдин биринчисини охиригача эмизиш керак, шунда гўдак ёғга бой бўлган, қувватли сутни эмади. Шунингдек, гўдак 6 ойлик бўлгунча сув, ширин чой, шарбат ва бошқа суюқликлар берманг, чунки улар болани кам эмишга ва оқибатда кўкракдаги сут миқдорининг камайишига олиб келади.

Болага меҳр-оқибат она сути орқали ўтади, дейдилар кексаларимиз. Шунинг учун, она сутини эмган бола, онасига меҳрибон бўлади. Шу ўринда оналаримизга маслаҳат шуки, фарзандингиз ақлан расо, жисмонан бақувват ва руҳан тетик, меҳрибон бўлиб вояга етсин десангиз, ушбу қоидаларга албатта, эътибор беринг.

**Фарида КОМИЛОВА,**
**«Саломатлик» институти вилоят филиалининг услубчи-шифокори.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48 Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-444. Адади 5693. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.00. 1 2 3 4 5 6